

Manzop

Hil va
adabiyot
ta'limi



2004 ● 3

БОТУ ТАВАЛЛУДИНИНГ
100 ЙИЛЛИГИ



2004/3

*Til va
adabiyot
ta'limi*

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРЛИГИНИНГ
ИЛМИЙ-МЕТОДИК
ЖУРНАЛИ

1991 йилдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
079-рақам билан рўйхатга
олинган

Таҳририят манзили:
700000 Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

☎ 136-53-62,
132-07-26.
Факс: 136-58-59
E-mail: til@sarkor.uz

Бош муҳаррир:
Раъно ТОЛИПОВА

Масъул котиб:
Шаҳноза ЖЎРАЕВА

Муҳаррирлар:
Ўғилой МАВЛОНОВА,
Доно ХЎЖАЕВА

Саҳифаловчи:
Илҳом ЖУМАНОВ

Матн терувчи:
Нодира
МИРЗААҲМЕДОВА

Таҳрир ҳайъати:

Абдузхур АБДУАЗИЗОВ,
Рустам АҲЛИДДИНОВ,
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
Зухридин
ИСОМИДДИНОВ,
Низомиддин
МАҲМУДОВ,
Санобар НИШОНОВА,
Матлуба НУРМАТОВА,
Шухрат РИЗАЕВ,
Ёрмат ТОЖИЕВ,
Боқижон ТЎХЛИЕВ,
Наима УБАЙДУЛЛАЕВА.

МУНДАРИЖА
ЁЗУВЧИ ИЖОДХОНАСИДА

Пиримкул ҚОДИРОВ. Ҳукмдорлар ва шоирлар тақдирида маънавиятнинг тутган ўрни. 4

МЕТОДИКА

Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ. Муҳаммад Юсуф ижодини ўрганиш. 16

Ш.АКРАМОВ. Она тили дарсларида жадваллардан фойдаланиш. 21

ТИЛШУНОСЛИК

Бекмурод ЙЎЛДОШЕВ, Даврон АБДУЛЛАЕВ. Ўзбек жадид драмаларида фразеологизмларнинг қўлланилиши ҳақида. 23

З.МИРЗАКАРИМОВА. Контрагентнинг *билан* кўмакчиси воситасида қўлланилиши. 26

Зулфия МАМАРАЖАБОВА. Сифатнинг коннотатив маъно хусусиятлари. 30

Н.ҚОЗОҚОВА. Мурожаатни ифодаловчи луғавий бирликларнинг таснифи ва таҳлили. 35

Усмонжон РАҲИМОВ. Гапнинг коммуникатив тузилиши ва пресуппозиция. 37

Дилрабо ЙЎЛДОШЕВА. “Девону луғотит-турк” асарида уй-рўзгор буюмлари номлари ҳақида мулоҳазалар. 41

Гулбаҳор ШУКУРОВА. “Девону луғотит-турк” да кийим-кечак қисмлари номлари. 43

Манзар АБДУЛҲАЙРОВ. “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги янги аниқланган сўзлар талқини. 50

ТИЛ ТАРИХИ

Муаззам ДАДАХОНОВА. “Қисаси Рабғузий” даги архаик сўзларнинг маъно хусусиятлари. 53

Нилуфар ТОШМАТОВА. “Култегин” битигтошидаги от лексик бирликларининг ясалиши. 56

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Санъат СОРИЕВ. “Гўрўғли” эпосининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларида муболаганинг ўзига хослиги. 60

Дилдора ҲОШИМОВА. “Бобурнома” инглиз олимлари тафсирида. 62

Дилором ҲАМРОЕВА. Мансур Ҳаллоҷ ва Машраб. 66

Зулхумор МИРЗАЕВА. “Падаркуш”нинг ҳозирги ўзбек тилидаги нашрлари қиёсий тадқиқига оид баъзи мулоҳазалар. 70

Қаҳрамон ТҲХСАНОВ. Шавкат Бухорий шеърятда ишқ талқини. 74

Сайёра ОТАЖОНОВА. Ҳозирги ўзбек насрида фольклор анъаналари. 77

Дилшод РАЖАБОВ. Тоғ тимсолининг шеърятдаги ўрни. 79

АДАБИЙ ТАҚВИМ

Наим КАРИМОВ. Оташин шоир ва жамоат арбоби. 82

ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Акрам ШЕРМАТОВ. Кўрсатиш олмошларининг анафорик шаклларда ифодаланиши. 91

СЎЗ МУЛКИГА САЁҲАТ

Носиржон УЛУҚОВ. Шимолий Фарғонанинг айрим гидронимлари хусусида. 94

Эргаш УМАРОВ. *Осмоқ* сўзи ҳақида. 96

1969, Том II. СПб.

9 Э.Фозилов. Староузбекский язык (Хорезмские памятники XIV века). Т. I. П. Т., 1968, 1971.

10 А.Навоий. Хазойинул-маоний. Т. I. Т., 1963.

11 Уйгурско-русский словарь. М., 1968.

12 Татарско-русский словарь. М., 1966.

13 М.Солиҳ. Шайбонийнома. Т., 1961.

14 В.В.Радлов. Опыт словаря тюркских наречий. СПб. Т. I-1893, Т. II-1899, Т. III-1900, Т. IV-1905.

15 Турецко-русский словарь. М., 1977.

16 Азербайджанско - русский словарь. М., 1962.

17 Ю.А.Шиббаева. Одежда хакасов. 1959.

18 К.К.Юдахин. Киргизско-русский словарь. М., 1965.

19 Н.А.Баскаков, А.М.Индекова. Хакасско-русский словарь. М., 1953.

20 А.Ишаев. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Т., 1977, 161-6.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” АСАРИДАГИ ЯНГИ АНИҚЛАНГАН СЎЗЛАР ТАЛҚИНИ

Мустақиллик йилларида ўтмиш маданий меросимизга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоийнинг нашр этилиши тугалланаётган йигирма жилдлик “Мукамал асарлар тўплами”га бўлган қизиқиш фикримизнинг ёрқин далилидир. Тадқиқотимиз объекти бўлган “Маҳбуб ул-қулуб” асари ҳам бу тўпламнинг ўн тўртинчи жилдидан жой олган¹.

Ушбу адабий дурдона шоир ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган насрий асарларидан биридир. “Маҳбуб ул-қулуб” ҳақида йирик шарқшунос, филолог олимларнинг бир қанча мақола ва тадқиқотлари чоп этилган². Асар шу пайтга қадар бир неча марта нашр қилинган³. Илгариги нашрларда шўро мафкураси тазйиқи остида асардаги ҳамд ва наътлар тушириб қолдирилган. Аммо, муҳими бу ҳам эмас.

Бундан чорак аср илгари Алишер Навоий асарларининг дастлабки академик нашрини тайёрлаш ҳақида сўз борганида навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов томонидан “Маҳбуб ул-қулуб”ни чоп этиш ҳақида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. “Шоир таваллудининг 500 йиллигига тўхфа сифатида академик А.Н.Кононов “Маҳбуб ул-қулуб”нинг йиғма (сводный) матнини тайёрлаб нашр эттирган эди. Аммо унда муаллиф шоир матнини қайтадан тиклашни мақсад қилиб қўймагани учун, ундан илмий-танқидий матн ўрнида фойдаланиш қийин. Шу сабабдан бу хил асарларнинг ҳам илмий матнини яратиш эҳтиёжи сезилади”⁴. Табиийки, бу ҳолда асарнинг тил хусусиятлари, айниқса, луғавий бирликлари борасида узил-кесил илмий хулосалар чиқариш қийин эди. Демак, асарнинг мукамал илмий-танқидий матни йўқлиги ҳамда тўлиқ ҳолда нашр этилмаганлиги туфайли жуда кўп луғавий бирликлар қомусий манба-

лардан жой олмади. Натижада бу хилдаги сўзларнинг маъно қирралари очилмай қолди. Асар тилидаги бундай сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида изоҳлаш муаммоларини ечишдаги ўрни ҳанузгача ўрганилмаган. Илмий изланишларимиз жараёнида маълум бўлдики, юздан ортиқ лексик бирликлар “Навоий асарлари тилининг тўрт жилдлик изоҳли луғат”и⁵да ҳам, Навоий асарлари тилига оид лексик тадқиқот ишларида ҳам қайд этилмаган.

Улуғ мутафаккир шоир “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳар бир сўзни гўё садафдек жойлаштирган. Бир қарашда содда, равон тилда ёзилгандек кўринадиган бу насрий баённи ўқиганимиз сари унинг мураккаб тафаккур дунёсига қадам қўяётганимизни қалбан ҳис қилиб, ақлан идрок эта бошлаймиз. Гўё кишига насрий баён эмас, ашъор ўқиётгандек туюлади.

Қуйида ана шундай сўзларнинг маънолари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз: “Қора қузғунни оқ туйғун деса, қозни яхши олур демаган муқассир. Ёруғ кунни тийра тун деса, суҳо кўринадур демаган мудбир”⁶. Рамз тилида битилган ушбу жумлалардаги *туйғун*, *қоз* сўзлари Навоий асарларининг кўп томли изоҳли луғатида эътироф этилмаган. Навоийнинг тилсимли тилида қўлланилган *туйғун* сўзи *қирғий* ёки *қарчиғайнинг эркаги* маъносини англатса⁷, *қоз* сўзи эса *сувда сузувчи йирик қуш*, *ғоз* маъносини англатиб, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *ғоз* сўзининг дастлабки фонетик вариантдоши ҳисобланади⁸. *Қоз* сўзи айрим фонетик ўзгаришлар билан ҳозирги ўзбек адабий тилида, шунингдек, шеваларда қўлланилиб келинмоқда.

Демак, “Маҳбуб ул-қулуб” асаридаги ўз қатламига оид янги аниқланган сўзларнинг айримлари турли соҳаларга оид бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилининг луғавий таркибига нисбатан унчалик катта ўзгаришларга учрамаган ҳолга кирган дейиш мумкин. Бу хилдаги лексик бирликларнинг истеъмол доираси ҳам чегараланмаган: *чолғучи* (МК, 31)⁹, *ясанмоқ* (МК, 121) *ёлғончи* (МК, 99), *йўрға* (МК, 42), *соғлиғ* (МК, 38), *тиллиқ* (МК, 42) ва бошқалар. Бундан ташқари, асар тилидаги яна бир қатор туркий сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида маъноси торайган. Масалан: *тоқча* сўзи асар тилида бир ўринда қўлланилиб, *уя*, *ин* маъносини ҳам билдиради: “Ободлар анинг зулмидин вайрона, кабутар тоқчалари бойқушга ошиёна” (МК, 15). Бу сўз ҳозирги ўзбек адабий тилида *уйларда идиш-товоқ ва анжомлар қўйиш учун деворга ўйиб ишланган махсус жой сифатида тушунилади*¹⁰. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида эса унинг ҳозирги маъноси ҳам қўлланган: “Ва Шайхнинг хилватиға кириб зиёрат қилурда ўз ижозатномаларининг саводини кўрубдурларки, бир тоқчада эрмиш олибдурлар ва ҳам ул дастур била толиблар ва муршидларға тарбиятға машғул бўлибдурлар”¹¹.

“Маҳбуб ул-қулуб” асари тилида “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да изоҳланмаган ўзлашма қатламга мансуб

арабча ва форсча сўзлар ҳам талайгина: *девқирдор* (МК, 66) - *бадқирдор*, *ёмон феълли бадқор*; *мутаҳаввир* (МК, 75) - *жасур*, *қўрқмас*, *диловар*; *сатват* (МК, 70) - *шуқуҳ*, *дабдаба*, *шавкат*, *ҳужум*, *ҳамла*, *қаҳр*; *таъзиб* (МК, 57) - *қийноқ*; *озор бериш* ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда “Маҳбуб ул-қулуб” асари тилидаги маъноси очилмаган, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” да қайд этилмаган сўзларни лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилиш ҳозирги ўзбек адабий тили ва бадиий адабиётининг равнақи учун муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, ҳазрат Алишер Навоийнинг бадиий маҳорати ва баркамол ижодий меросига тўлақонли баҳо беришга ҳам имкон яратади. Қолаверса, “Маҳбуб ул-қулуб” асари тилидаги янги аниқланган сўзлар талқини ўқувчи-ёшларни асарнинг мазмун-моҳиятидан янада яқинроқ бохабар бўлишларига кўмакдош бўлади.

Манзар АБДУЛХАЙРОВ,
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети доценти.

- 1 Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. XIV жилд. Т., 1998.
- 2 А.Рустамов. Некоторые грамматические особенности языка “Махбуб ул-қулуб” Алишера Навои, автореферат канд.дисс. Т., 1958; С.Фаниева. “Махбуб ул-қулуб” ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1968, 3-сон, 57-59-б; Ҳ.Мамадов. “Махбуб ул-қулуб” да сўзларнинг кўчма маънода ишлатилиши // Тил ва адабиёт масалалари. Хўжанд, 1969; Х.Мамадов. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Т., 1969 ва бошқалар.
- 3 Алишер Навои. Возлюбленный сердце. Сводный текст подготовил А.Н.Кононов. М. - Л. 1948; Алишер Навоий. Асарлар. 13-том. Т., 1963 ва бошқалар.
- 4 А.Ҳайитметов. Алишер Навоий асарларининг академик нашрини тайёрлаш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. Т., 1976, 1-сон, 31-33-б.
- 5 Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. IV жилдлик. Т., 1983-1984.
- 6 Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. XIX жилд, Т., 1998, 15-б.
- 7 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд, 1983, 221-б.
- 8 Девону луғотит-турк. Т., 1960, 341-б.
- 9 Қавс ичидаги шартли қисқартма рақамлар асар номи ва саҳифаларинигина билдиради: Маҳбуб ул-қулуб, 31-саҳифа. Кейинги ўринларда шу тарзда берилади.
- 10 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II жилд. 1983, 198-б.
- 11 Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. XVII жилд. 346-б.